Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 28 ноябрь, № 245 (7203) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ СОБИҚ БОШ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби, бугунги кунда Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитасининг Этика бўйича комиссиясига раҳбарлик қилаётган Пан Ги Мунни қабул қилди.**



Пан Ги Мун Нукусда бўлиб ўтган Оролбўйи ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш масалалари ҳамда бу жараёнда корейс диаспорасининг ролига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, унинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жумладан, замонавий глобал таҳдид ва хатарларга қарши курашишда жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишдаги катта хизматларини алоҳида таъкидлади.

Пан Ги Муннинг халқаро ҳамжамият эътиборини Орол фожиасининг салбий оқибатларини бартараф этиш масалаларига қаратишга қўшган шахсий ҳиссаси юксак баҳоланди.

БМТ Бош котиби лавозимида у Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасидаги ташаббус ва таклифларини фаол қўллаб-қувватлади.

Учрашувда Орол денгизи минтақасида устувор лойиҳаларни амалга оширишда халқаро институтлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп сонли корейс диаспорасининг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Пан Ги Мун давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла мос бўлган 2021 йилгача Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишларни юксак баҳолади.

Ўзбекистоннинг Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштиришга хизмат қилаётган 2018 — 2021 йилларда Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш бўйича Давлат дастури доирасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст жамғармасини ва Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этишга оид таклифлари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Пан Ги Мун бундан буён ҳам Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга фаол кўмаклашишга, Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишда самарали ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ ОЛТИН ИЗЛОВЧИЛАР УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўли билан аҳоли фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мамлакатнинг айрим ҳудудларида ижтимоий тангликнинг кучайиши, шу жумладан, қимматбаҳо металларни ноқонуний қазиб олишнинг давом этаётганлиги билан боғлиқ бўлган криминоген вазиятнинг ёмонлашиши кузатилмоқда.

Бунинг асосий сабаби миқдор ва сифат жиҳатидан саноат усулида қазиб олиш объекти ҳисобланмайдиган ер қаъри участкаларида қимматбаҳо металларни носаноат усулда қазиб олиш билан қонуний шуғулланиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Қимматбаҳо металларни ноқонуний қазиб олиш Навоий, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида тизимли тус олиб, қимматбаҳо металларнинг яширинча айланишига ва чет элларга ноқонуний олиб чиқиб кетилишига олиб келмоқда. Ноқонуний равишда олтин қазиб олиш чоғида шикастланишлар ва ўлим ҳолатлари содир бўлмоқда.

Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишни тадбиркорлик тури сифатида ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер қаъри участкасини самарали ўзлаштириш, шунингдек, олтин ва заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекциясининг 2019 йил 1 мартдан бошлаб тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини жорий қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти ер қаъридан фойдаланишнинг алоҳида тури ҳисобланади ва у ер қаъри участкаларида амалга оширилади;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкалари, шу жумладан, ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган сочма олтин конлари тақдим этилади;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия берилади, бунда қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш ҳуқуқига алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларга жисмоний ва юридик шахслар талабгор бўлишлари мумкин;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари бўйича 3 йил муддатга берилади;

электрон аукционни ўтказиш ва мазкур қарорга мувофиқ лицензияни беришнинг умумий муддати “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган барча жараёнларни ўз ичига олган ҳолда, истисно тариқасида, 10 кундан ошмайди;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини савдога қўйишнинг бошланғич нархи 7,5 миллион сўмни ташкил қилади;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга рухсат бериладиган ер қаъри участкалари рўйхати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

**(Давоми 2-бетда).**

Экспертлар:

# «ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАМОҚДА»

*Инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Ўтган ҳафтада Самарқандда ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми мазкур йўналишдаги ташаббусларни янги босқичга олиб чиқди. Бу ҳақда хорижлик кузатувчилар, экспертлар ҳам ўз муносабатини билдирмоқда.*

## Муносабат



**Кари ТОПИОЛА,**
**Халқаро меҳнат ташкилоти бош директорининг махсус маслаҳатчиси:**

— Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг ўтган икки йил мобайнида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича республикада кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ўтказилган мустақил мониторинглар Ўзбекистонда болалар меҳнати буткул йўқлиги ҳамда мажбурий меҳнатни бартараф этиш борасида ҳам жиддий ютуқлар борлигини кўрсатди. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий қилинган дастурлар ишламоқда ва ўз натижаларини беряпти.

Самарқандда Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми юқори даражада ўтказилди. Тадбирда иштирок этиш орқали минтақа мамлакатларидаги ҳолат ва унинг асосий омиллари ҳақида кўплаб янги маълумотлар олдим.



**Георгий ЦЕРЕТЕЛИ,**
**Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси раиси:**

— Бир неча йил илгари Марказий Осиё республикаларида, очиғини айтганда, Ўзбекистонда бундай форум ўтказилиб, унда мавжуд муаммолар ва мураккабликлар очиқ-ойдин муҳокама этилишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмас эдик. Бугунги кунда халқаро ҳамжамият республикадаги вазиятни ниҳоятда ижобий баҳоламоқда.



**Ивар ДАЛЕЕ,**
**«Норвегия Хельсинки қўмитаси» нодавлат ташкилоти вакили:**

— Самарқанд анжуманини ниҳоятда ижобий воқеа сифатида қайд этиш ўринли. Инсон ҳуқуқлари конференция залларида муҳокама учун мавзу сифатида қолмай, амалиётда жорий қилиниши лозимлиги барчамизга аён. Шундай экан, халқаро анжуман мамлакат учун яна бир муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистондаги ислоҳотлар амалий натижалар беришига умид қиламиз.



**Карин КНАЙСЛЬ,**
**Австрия ташқи ишлар вазири:**

— Сўнгги йилларда республикада инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият салмоқли даражада яхшиланди. Европа Иттифоқининг хавотирига сабаб бўлган маҳбуслар рўйхатидаги кўплаб шахслар озодликка чиққанини кўрмоқдамиз... Бугун биз гувоҳи бўлаётган ўзгаришлар мамлакат тўғри йўлдан кетаётганини кўрсатмоқда. Европа Иттифоқи Ўзбекистон бошлаган кенг кўламли ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлаш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

**Пан Ги Мун:**

# ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНА КЕЛГАНИМДАН МАМНУНМАН

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 ноябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби, бугунги кунда Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитасининг Этика бўйича комиссиясига раҳбарлик қилаётган Пан Ги Мунни қабул қилди.*

Меҳмон учрашувдан кейин ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиш мен учун катта шараф. Суҳбатимиз давомида биз кўплаб масалаларни муҳокама қилдик.

Биз Ўзбекистон Президентининг мамлакатда кенг миқёсли ислоҳот ва янгиланишлар дастурини бошлаш бўйича ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан афғон масаласига бағишланган икки нуфузли халқаро форум ташкил этилгани буни тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан чегарага оид масалаларни ҳал этиш борасидаги дипломатик саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистон Президенти билан учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдик.

Орол фожиаси миқёси ва кўламига кўра энг даҳшатли экологик фалокатдир. Мен 2010 йил апрель ойида Оролбўйига борганимда жуда аянчли манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. БМТнинг кўплаб мажлисларида ҳар сафар ушбу фожиани бартараф этиш масаласини кўтаришга ҳаракат қилдим.

Охирги марта мамлакатингизга 2015 йилда келган эдим. Уч йил ўтиб, бу ерда кенг миқёсли ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингизда янгиланишлар шамоли яққол сезилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**З. ЖОНИБЕКОВ**
**ёзиб олди.**

# Кичик шаҳардаги КАТТА ҚУВОНЧ

*Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрида “Обод қишлоқ” дастури доирасида бунёд этилган иншоотларни фойдаланишга топшириш ҳамда Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.*

Аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, уларни йиллар давомида қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиб, ҳаётидан рози бўлиб яшашига эришиш бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсаддир. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ана шу эзгу ниятлар ижобатига хизмат қилаётгани билан ғоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, уларнинг ижроси доирасида биргина Жиззах вилоятида олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари туфайли чекка қишлоқ ва маҳаллаларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ўзгача чирой касб этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, қайта туғилган Гагарин шаҳрининг бугунги кўркам жамоли бунга яққол мисолдир.

Бу ерда янги қурилган иншоотларни топширишга бағишланган тадбир катта байрамга айланиб кетди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, қўшни давлатлардан келган меҳмонлар, қурувчилар, маҳалла аҳли, қўйингки, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.

3



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ ОЛТИН ИЗЛОВЧИЛАР УСУЛИДА ҚАЗИБ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

лицензияни ёки ер қаъри участкасидан (тўлиқ ёки қисман) фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш (топшириш), шунингдек, битта ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни бир неча шахсга беришга йўл қўйилмайди;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг реестрини юритиш ва уларга ажратилган ер қаъри участкаларининг давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан амалга оширилади;

олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металларни реализация қилиш "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Навоий кон-металлургия комбинати" ДКга, шунингдек, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ва якка тадбиркорларга келишилган нархларда амалга оширилади;

қимматбаҳо металларни яшириш, шу жумладан, уни 6 ой ичида реализация қилмаслик, шунингдек, қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш чоғида ишларни бехатар олиб бориш талабларининг бузилиши оқибатида инсонларнинг оғир тан жароҳати олиши ёки ўлимига олиб келиши лицензияни бекор қилиш ва мазкур фаолият билан шуғулланишни бир йил давомида чеклаш учун асос бўлади;

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилгандан сўнг, ер қаъридан фойдаланувчилар зиммасига ер қаъри участкаларини рекультивация қилиш ва уларни кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш мажбурияти юкланади.

3. Белгилансинки, қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида реализация қилишдан олинган пул маблағлари ва ушлаб қолинган закалат суммаси, аукционни ташкил қилиш хизматлари учун тўлов суммалари чегирилган ҳолда:

қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти олиб бориладиган ҳудудлардаги тегишли туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетларига қўшимча даромад манбаи сифатида;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдиришнинг йиллик давлат дастурларини амалга оширишга мақсадли йўналтирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг махсус ғазначилик ҳисоб рақамларига тенг улушларда ўтказилади.

4. Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини ушбу қарорда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда амалга оширадиган шахслар қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш қисми бўйича барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) озод этилсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси "Саноатгеоконтехназорат" ДИ, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 февралига қадар қуйидагиларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда — Низом):

ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш тартиби, шу жумладан, "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида электрон аукционни ўтказиш регламенти;

ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари, шу жумладан, қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишнинг рухсат этилган усуллари ва воситалари, шунингдек, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва техникага қўйиладиган талаблар;

олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металлар нархини белгилаш, уларни харид қилиш, ҳисобини юритиш, сақлаш ва реализация қилиш тартиби;

ишларни олиб бориш қоидалари ва нормаларига риоя қилиш бўйича талаблар, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлиги;

фойдаланиб бўлинган ерларни рекультивация қилиш ва уларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг захира фондига қайтариш механизми;

б) ишончли, аниқ контурлари ва чегараларини кўрсатган ҳолда, қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш учун берилаётган ер қаъри участкаларининг рўйхатини (кейинги ўринларда — Рўйхат).

7. "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Навоий кон-металлургия комбинати" ДКга 2019 йилнинг 1 мартига қадар мамлакат ҳудудларида олтин изловчилар усулида қазиб олинган қимматбаҳо металларни сотиб олувчи ихтисослаштирилган қабул кассаларини очиш ва сотиб олишнинг шаффоф механизмини ўрнатиш тавсия қилинсин.

8. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олишни амалга оширувчи шахсларга, шу жумладан, услубий, амалий ва юридик маслаҳатлар бериш йўли билан ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, тегишли вилоят ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда қимматбаҳо металларни ноқонуний йўл билан қазиб олиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

интернет тармоғидаги ўзларининг расмий сайтларида жойлаштириш орқали Низом ва Рўйхатдан эркин фойдаланиш имкониятини таъминласин ва уларни тизимли равишда янгилаб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш меъёрлари ва қоидаларига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда қатъий назорат ўрнатсин;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 26 ноябрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «БОШОҚЛИ ДОН ЕТИШТИРИШНИ ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда давлат хариди учун бошоқли дон маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо қишлоқ хўжалигининг мазкур муҳим тармоғидаги реал ҳолат таҳлили яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, бошоқли дон экинлари экиш учун ерларнинг сифатсиз тайёрланиши, агротехника қоидаларига риоя қилинмаслик, айниқса, экин-тикин ишларининг кечиктириб юборилиши, талаб қилинган моддий-техника ресурслари ўз вақтида етказиб берилмаслиги оқибатида кутилган ҳосил олинмаяпти.

Жойлардаги масъуллар ва фермерлар томонидан контрактация шартномаси мажбуриятлари бажарилмаётгани, ҳосилдорликни ошириш ва қўшимча даромад олиш юзасидан етарлича чоралар кўрилмаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Қолаверса, юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш, ҳосилдорлик кўрсаткичи паст бўлган фермер хўжаликларига нисбатан эса кескин чоралар кўриш тартиби ишлаб чиқилмагани суғориладиган унумдор ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа равнақида тўғаноқ бўлаётган ушбу муаммоларни бартараф этиш ва уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришга қаратилган.

Қарорда давлат хариди учун бошоқли дон етиштириш бўйича амалдаги тартибдан мутлақо фарқ қиладиган янги тизим ва механизмлар жорий этилиши назарда тутилганлиги унинг тарихий аҳамият касб этишидан далолат беради.

Хусусан, унга кўра, 2019 йил ҳосили учун суғориладиган ва лалми майдонларга экилган бошоқли дон экинлари ялпи ҳосилининг прогноз ҳажмлари тасдиқланиб, суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан кам ҳосил олиш "ерга нисбатан хиёнат" деб баҳоланиши ва ер ижара шартномаси бекор қилинишигача чоралар кўрилиши белгиланди.

Яна бир янгилик: 2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига суғориладиган ерларда бошоқли дон етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига ягона ер солиғини ҳисоблашда солиқ ставкаларига ҳосилдорликка қараб коэффициентлар қўллаш тартиби киритилганидир.

Яъни гектаридан ўртача 30 центнер ва ундан паст ҳосил олинганда 2 баробар, ҳосилдорлик 31 центнердан 40 центнергача бўлганида эса 1,5 баробар кўпайтирувчи коэффициентлар қўлланилади. Мазкур тартиб ғалла етиштирувчиларни олтинга тенг бўлган суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш борасидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунга қадар давлат харидидан ортиқча етиштирилган бошоқли дон маҳсулотининг аниқ ҳисоби юритилмас, бу эса республика ялпи дон ҳажми ва аҳолини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш даражасини реал баҳолаш имконини бермас эди. Шу маънода, қарорда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган ялпи ғалла ҳосили ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлаш масаласи эътибордан четда қолмагани диққатга сазовор.

Қарорга мувофиқ, соҳада яна кўплаб туб ўзгаришлар рўй беради. Хусусан:

етиштириладиган буғдойнинг ҳар бир тоннаси учун кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 миллион 200 минг сўм ёки жорий йилдагига нисбатан 1,6 баробар юқори даражада белгиланди, бу эса табиийки, маҳсулот етиштирувчиларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади;

давлат хариди учун етиштирилган маҳсулотларни табақалаштирилган нархларда, яъни устама ва чегирмалар қўллаган ҳолда сотиб олиш тартиби жорий қилинади. Бошқача қилиб айтганда, етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб, давлат хариди учун етказиб берилган ғалла харид нархига 25 фоизгача устама ёки чегирма қўлланилади.

Бунда харид нархига бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 41 центнердан 50 центнергача бўлганида — 10 фоиз (120 минг сўм), 51 центнердан 60 центнергача бўлганида — 20 фоиз (240 минг сўм), 61 центнер ва ундан юқори бўлганида — 25 фоиз (300 минг сўм) устама қўлланилади.

Аксинча, давлат хариди нархлари ҳосилдорлик 30 центнер ва ундан кам бўлганида — 25 фоиз (300 минг сўм), 31 центнердан 40 центнергача бўлганида — 15 фоиз (180 минг сўм) чегирма билан ҳисоб-китоб қилинади.

Мазкур тартибнинг қўлланилиши деҳқон ва фермерларнинг ҳосилдорликни ошириб боришга бўлган интилишини кучайтириш, моддий жиҳатдан рағбатлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш тизимини ҳам такомиллаштириш назарда тутилган. Агар амалдаги тартибга кўра, имтиёзли кредит давлат хариди учун етказиб бериладиган бошоқли дон қийматининг 60 фоизигача ажратилиб келинган бўлса, янги тартибда 100 фоизигача (тайёрлов корхонаси томонидан бўнак тариқасида етказиб берилган уруғлик қийматини инобатга олган ҳолда) берилади.

Молиялаштириш тизимидаги ушбу ўзгариш фермер хўжаликларининг айланма маблағ тақчиллигига барҳам бериш билан бирга, улар томонидан ресурс ва хизматлар учун тўловларни олдиндан амалга ошириш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтириш, пировардида юқори даромад олиш имконини беради.

Яна бир муҳим жиҳат, мазкур қарорда олдиндан билиш, оқилона чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятга эга ҳодисалар (қурғоқчилик, табиат ҳодисалари ва бошқа форс-мажор ҳолатлар) оқибатида бошоқли дон экинларидан кутилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда ушбу ҳолатлар Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланганда, давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархида ҳисоб-китоб қилиниши белгиланди. Ваҳолонки, шу пайтга қадар маҳсулот етиштирувчилар турли табиий офатлардан етарли даражада ҳимояланмаган эди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган майдонларда 2019 йил ҳосили учун экилган кузги бошоқли дон экинларини парваришлаш бўйича агротехника тадбирларини амалга ошириш юзасидан "йўл хариталари" қабул қилинди.

Бошоқли дон етиштиришда агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш ва кафолатланган ҳосил олишни тизимли ташкил этиш бўйича эса Республика Ишчи гуруҳларининг таркиби тасдиқланди. Улар зиммасига "йўл хариталари"дан келиб чиқиб, ҳар бир фермер хўжалиги томонидан амалга ошириладиган агротехника тадбирлари режасини алоҳида ёзма равишда тайёрлаб етказиш ва унинг ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бошоқли дон етиштириш ва ўриб-йиғиб олиш билан боғлиқ агротехника юмушларининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, молиявий ва моддий-техника ресурсларининг тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида етказиб берилиши, якуний ҳисоб-китоблар 2019 йил 1 сентябрга қадар тўлиқ амалга оширилиши, мазкур йўналишдаги ишлар бўйича тизимли назорат ўрнатилиши юзасидан тегишли мутасаддиларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, ички бозорда буғдой, ун ва нон маҳсулотлари нархлари кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх барқарорлигини таъминлаш ҳамда буғдойни қайта ишлаш соҳасида рақобатни кучайтириш, давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур бўлган минерал ўғитлар ҳажми ва уларнинг нархини белгилаш, хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, давлат хариди учун етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиши назарда тутилди.

Ушбу қарорнинг изчил ижроси, шаксубҳасиз, ғаллачиликда ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш, фермер хўжаликлари масъулиятини янада ошириш ҳамда уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш тизимини жорий қилиш имконини беради.

Депутат фикри

# КРЕДИТ ОЛИНДИМИ?

## Вақтида қайтарилиши ҳам керак.

*Банк кредитлари ва хусусий сармоялар, ишлаб чиқариш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда зарур манба саналади. Бу борада аҳоли ва ташкилотлардаги бўш маблағларни жалб қилиб, уларни кредит сифатида тадбиркор ҳамда инвесторларга тақдим этадиган тижорат банкларининг иқтисодий жараёнлардаги роли муҳим аҳамиятга эга.*

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 22 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилиши ҳам айнан банк тизимини ислоҳ этиш, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банкларининг ролини янада ошириш масалаларига бағишлангани бежиз эмас. Унда асосий эътибор муаммоли кредитлар муҳокамасига қаратилди.

Дарҳақиқат, мажлисда айтилганидек, бундай кредитлар миқдори йил бошидагига нисбатан анча ошган. Хусусан, уй-жой фондини таъмирлаш, тураржой биноларини барпо этишга қайтариш манбалари ва имкониятлари тўлиқ ўрганилмасдан кредит ажратилиши оқибатида умидсиз қарзлар кўпайиб, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича катта миқдорда муаммоли кредитлар юзага келган.

Давлатимиз раҳбари муаммоли кредитларни қайтаришда банкларнинг имкониятларини янада кенгайтириш, уларни ундириш бўйича банклар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарурлигини таъкидлаб, бугунги кунда банкларнинг кредит учун ресурслар жамлашдаги фаоллиги ҳам етарли эмаслигига эътибор қаратди.

Аҳоли ҳамда юридик шахсларнинг бўш маблағларини банк депозитларига, биринчи навбатда, муддатли ва жамғариб бориладиган депозитларга жалб қилиш ишлари етарли эмаслиги, тижорат банклари устав капитали, асосан, давлат улуши ҳисобига оширилиб, хусусий сектор маблағлари деярли йўналтирилмагани жиддий танқид қилинди.

Йиғилишда парламент аъзолари олдига ҳам бир қатор вазифалар қўйилиб, пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланиладиган фоиз инструментлари турларини кенгайтириш, тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантириш, шу жумладан, кредитлар бўйича бозор механизмларини кенг жорий этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Айни чоғда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини ошириш, банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлаш борасида мавжуд тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни ихтисослаштирилган халқаро молия институтлари хулосаларини инобатга олган ҳолда қайта ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди.

Шундан келиб чиқиб, биз, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Марказий банк мутахассислари билан биргаликда мамлакатимизда пул-кредит сиёсатининг фойдали турларини кенгайтиришга, банклар билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлаш борасида мавжуд тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишни ўзимизга вазифа қилиб олдик.

Мазкур долзарб вазифаларни амалга оширишда кенг жамоатчилик ва тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари асосида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишимиз, уларда, аввало, халқимиз, тадбиркорлик субъектлари учун қулай, шаффоф, содда тартиб-таомиллар акс этишини таъминлашимиз талаб қилинади.

**Абдуғани УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# Бюджетнинг очиқ ва шаффофлиги — қўшма миссия эътиборида

*Айни пайтда мамлакатимизда Жаҳон банки ҳамда Европа Иттифоқи делегациясининг давлат харажатларини баҳолаш ва молиявий ҳисобдорлик бўйича қўшма миссияси иш олиб боряпти.*

Мутахассислар Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, давлат ҳамда жамоатчилик учун молиявий ҳисоботнинг халқаро мезонлари ва стандартлари (International Public Sector Accounting Standards, IPSAS) қанчалик жорий этилаётганини ўрганмоқда. Айниқса, мамлакатдаги бюджет жараёнлари тегишли тузилмалар ҳамда жамоатчиликнинг эътиборига қай даражада очиқ ва тушунарли шаклда тақдим қилинаётгани кўриб чиқилаётир.

Олий Мажлис Сенатида қўшма миссия аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакат молия тизимини давлат томонидан назорат қилишни такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Бу мутахассисларнинг юқори палатадаги навбатдаги учрашуви бўлиб, миссия аъзолари молия ва бюджет интизомини, бюджет ресурслари ҳамда молиявий хизматларни тақсимлаш самарадорлигини PEFA талаблари ва стандартларига мувофиқ баҳолаш бўйича рўёбга чиқарилаётган ишларнинг давоми бўлди.

Давлатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча жабҳасида иш сифатини яхшилаш даражаси тизим қандай ташкил этилганига боғлиқ масала. Шу боис экспертлар мазкур йўналишдаги ўзгаришлар билан таништирилди.

Президентимизнинг жорий йил 22 августдаги "Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани айтиб ўтилди.

Давлат маблағлари ҳамда мол-мулки шаклланиши, ҳаракатланиши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат қилишнинг янги, самарали турлари ҳамда шаклларини жорий этиш — давлат молия назоратини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Шу муносабат билан учрашувда асосий эътибор аудит бўйича ҳисоботларни қонунчилик даражасида назорат қилиш, бу борада жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш масаласига қаратилди. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) бу йўналишдаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланиши таъкидланди.

Учрашувда аудит бўйича ҳисоботлар назоратини, текширув натижалари юзасидан эшитувларни ўтказишга оид турли саволлар ўртага ташланди.

Қўшма миссия шу йил 7 декабргача ўз ишини давом эттиради ва унинг якунлари бўйича тегишли хулоса тақдим қилади.

## Ўзбекистон — Чехия:

# Савдо айланмасини кўпайтириш кўзда тутилмоқда

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуратов Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси раиси ўринбосари Филип Войтех бошчилигидаги делегация билан учрашди.*

Унда меҳмонларга юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунда парламентнинг фаол иштироки, қонунчиликдаги янгиликлар хусусида сўзлаб берилди.

Ўз навбатида, Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси раиси ўринбосари Филип Войтех 2007 йилдан фаолият олиб бораётган Чехия парламентлараро алоқаларини ривожлантиришга қаратилган "Чехия — Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари" дўстлик гуруҳи фаолиятини янада фаоллаштириш тўғрисида тўхталиб ўтди. Бундан ташқари, Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида алоҳида парламентлараро дўстлик гуруҳини тузишга келишиб олинди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасида ўрнатилган парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати муҳокама марказида бўлди. Хусусан, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти юзасидан тажриба алмашиш ҳамда бу борада келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам сўз борди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, Ўзбекистон ва Чехия ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари ўртага ташланди. Келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмасини кўпайтириш, экспорт-импорт ҳажмини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф доирасида бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Чехия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси ташаббуси билан давлатлараро қўшма бизнес форуми ҳамда Чехия ишбилармон доира вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўз ишини бошлайди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, Чехия сармоясини ва юксак технологияларини Ўзбекистон иқтисодиётига фаол жалб этиш юзасидан музокаралар олиб борилиши кўзда тутилган.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

## ОИВ инфекцияси:
# Хавфнинг олдини олган маъқул

*ОИВ инфекцияси мамлакат иқтисодиёти, демографик кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатади. Чунки у айнан меҳнат қобилияти юқори бўлган ўрта ёшлардаги аҳоли, ёшлар ўртасида кенг тарқалиши ташвишланарли ҳол. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида 2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури ижроси юзасидан Республика ОИТСга қарши кураш маркази директорининг ахбороти эшитилди.*

**Тадбир**

Тадбирда Давлат дастурининг ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги режалар муҳокама қилинди. Қайд этилишича, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 37 минг 872 нафар шахс юртимизда ОИВ инфекцияси билан яшаяпти.

Тўғри, мамлакатимизда мазкур хасталик тарқалишига қарши курашиш изчиллик билан олиб борилаётгани туфайли сўнгги йилларда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият барқарорлашган. Касалланганлар сони 2013 йилдагига нисбатан 2017 йилда 222 нафарга (5 % фоиз) камайган. Аммо соҳада мавжуд камчиликлар томонларни янада масъулиятга ундайди.

Жумладан, йиғилишда тиббиёт муассасаларини ОИВ инфекцияси диагностикасида ва беморларни даволашда ишлатиладиган диагностикумлар, тест-системалар, реагентлар билан узлуксиз таъминлаш, лабораториялар асбоб-ускуналарини ҳар йили метрологик кўрикдан ўтказиш учун ажратиладиган маблағларнинг етарли эмаслиги, туманлараро ОИВ диагностик лабораториялари жойлашган бинолар таъмирталаб аҳволга келиб қолгани айтиб ўтилди. Айниқса, мазкур йўналишда, ОИВнинг салбий оқибатларини тарғиб этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг сустлиги алоҳида таъкидланди.

— Ахборотда келтирилганидек, соҳада шундай йўналишлар борки, уларни тартибли йўлга қўйиш учун Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар ажратиш ҳамда моддий-техника базасини янада такомиллаштиришни талаб этади, — дейди қўмита раисининг ўринбосари Нурия Айтжанова. — Шунинг учун қўмита аъзолари тизим мутасаддиларидан ана шундай амалий таклифларни ўз вақтида ва мунтазам беришларини талаб қилиб қолардик. Чунки ОИВ ҳамда ОИТСга қарши кураш — халқ келажаги ва эртасига дахлдор масала. Нафақат кенг тарғибот ҳамда ташвиқот ишлари, балки уни ўз вақтида аниқлаш ва тарқалишининг олдини олиш учун ҳам мукаммал, узвий тизим керак бўлади. Шу сабабли, соҳага ажратилаётган маблағлар миқдорини яна бир бор кўриб чиқишга ҳамда зарур таклифларни киритишга қарор қилдик.

Йиғилишда бу борада олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, Давлат дастурининг сўзсиз ва ўз вақтида ижросини таъминлаш шартлиги таъкидланди.

**М. АЗИЗОВА.**

# САЙТЛАР таҳдидлардан
# қанчалик ҳимояланган?



*Интернет ҳеч қандай тўсиқ ва чегара билмайди. Бир қарашда у жаҳон аҳлини бир-бирига яқинлаштираётган бўлса, иккинчи томондан, илгари кузатилмаган янги таҳдидларни ҳам юзага чиқаряпти.*

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилда Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ошиб, ўтган йилга таққослаганда 36 фоиз ўсган. Шунга мос равишда электрон маконда ўзининг интерактив хизмат ва ахборотларини таклиф этаётганлар ҳам кўпаймоқда. Бугун 103 та давлат органи ўзининг расмий сайтига, 78 таси ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига эга. Бироқ уларнинг хавфсизлиги қанчалик таъминланган?




Таҳлиллар ўтган даврда маҳаллий идоралараро ахборот ресурсларига хориж мамлакатлари ҳудудидан киберхуружлар сони ошганини кўрсатаётир. Ана шу 13 миллион 111 минг 553 та таҳдиднинг 832 минг 995 таси давлат органлари ахборот базасини яроқсиз ҳолга келтириб қўйиш даражасида хавфли бўлгани аниқланган. Шунингдек, жорий йилнинг учинчи чорагида "UZ" доменида жойлашган сайтларга ҳам 308 марта хуруж уюштирилган. Шундан 184 таси сайтларнинг бош саҳифасини ўзгартириш, 119 таси эса уларга бегона ахборотни жойлаштиришга уринишлар билан боғлиқ.

Президентимизнинг "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимизда телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқарадиган бўлди. Бу эса амалиётдаги мавжуд муаммолар ечимига ҳам кенг йўл очади.

Ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция ҳамда вазирликнинг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази тугатилади. Уларнинг ўрнига, иккита янги — Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳамда "Техник кўмаклашиш маркази" ДУК фаолияти йўлга қўйилади.

Булар юқоридаги каби хавфли хуружларга қарши яхлит бир ҳимоя қўрғонини барпо эта оладиган, ахборот технологиялари соҳасида интернет, телекоммуникация ва мобиль алоқа каби юзлаб хизмат турларининг сифатли ишлаши, жумладан, муаллифлик ҳуқуқларига амал қилиниши учун доимий назорат ўрнатадиган ташкилот бўлади. Қолаверса, юртимизга кириб келаётган хорижий электрон ахборот дастурлари қаторида, маҳаллий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилаётган электрон маҳсулотларнинг мониторингини юритишни ўз қўлига олади, жараённи таҳлил қилиш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш каби вазифаларни бажаради.

Марказ, шунингдек, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузғунчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган усуллар ва воситаларни таҳлил қилади, дастурий маҳсулотлар, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари, қолаверса, бошқа техник воситаларни аттестация, экспертиза ҳамда сертификациядан ўтказади, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ҳамда ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашади. Интернет фойдаланувчиларини миллий сегментда пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.

— Ҳозирги глобаллашув даврида ахборотни ҳам етказиш, ҳам қабул қилиш жараёни жуда тезлашиб кетди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Баҳромжон Олматов. — Қарор билан жорий қилинаётган тартиблар, янги тузилган ташкилотлар ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ҳамда четдан уюштирилаётган таҳдидларга ўз вақтида жавоб қайтариш билан бирга, давлат ахборот ресурсларини умумий электрон ҳукумат тизимига интеграциялашув жараёнини тезлаштиришга пойдевор яратади.

*Шундай қилиб, Ўзбекистонда бу соҳада ҳам, яъни ахборот технологияларини жорий этиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича жаҳон стандартларига мос бўлган фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган муҳим қарор қабул қилинди. Ҳужжат мазкур йўналишда замондан ортда қолмай, юксалиш ҳамда ривожланиш орқали мамлакатни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тараққий эттириш, жамиятни турли таҳдид ва хавф-хатарлардан муносиб муҳофаза қилиш имконини беради.*

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**



# Иссиқ сув ва иситиш тарифлари НЕГА ОШИРИЛАДИ?

*8 декабрдан Тошкентда марказий иситиш ва иссиқ сув тарифлари 9,1 фоиз оширилади. "Тошиссиққуввати" корхонаси матбуот хизмати хабарида айтилишича, бу энергия ташувчилар ҳамда материаллар нархи ўсиши билан боғлиқ.*

Янги тарифга кўра, ҳисоблагич бўлган тақдирда бир куб метр сув учун 4 765,20 сўм (ҳозирги кунда — 4 332 сўм, ўсиш — 9,1 фоиз), ҳисоблагич мавжуд бўлмаганда ойига киши бошига 18 609,24 сўм (ҳозирги кунда — 16 917,49 сўм), умумий душли ётоқхоналарда эса киши бошига 13 843,47 сўм (ҳозирги кунда — 12 584,98 сўм) этиб белгиланди.

Марказлашган иситиш тарифи иситиладиган майдоннинг ҳар бир квадрат метри учун 1 464,53 сўмдан 1 610,99 сўмга оширилади.

Бунга қадар иссиқ сув ҳамда иситиш тарифлари 2018 йилнинг май ойида кўтарилганди.

Эслатиб ўтамиз, табиий ва суюлтирилган газ ҳамда электр энергияси тарифлари, автобензин ва дизель ёнилғиси нархлари 16 ноябрда оширилган эди.

**С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**

*Гагарин шаҳридаги барак типида қурилган эски уйларда яшовчи*
***380 та***
*оила барча қулайликка эга бўлган намунавий лойиҳадаги арзон уй-жойларга кўчиб кирди.*



# Кичик шаҳардаги катта қувонч

1 ➡

Шунингдек, шаҳарнинг Ғалаба маҳалласида 36 та, Боғбон маҳалласида 10 та оилага янги қуриб битказилган намунавий лойиҳадаги кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг калитлари топширилди.

Мамлакатимизда ёлғиз қариялар, имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, бу тоифадаги шахсларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш, ўз имконияти даражасида меҳнат қилишига шароит яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ғалаба маҳалласида айнан шу мақсадда икки қаватли замонавий уй қуриб битказилиши эзгуликнинг амалий ифодаси бўлди. Бу уйнинг 19 хонадонига алоҳида ғамхўрликка муҳтож фуқаролар кўчиб кирди.

— Мирзачўлни ўзлаштириш вақтида биринчилардан бўлиб шу туманга келганман, — дейди Олтмишбой Одилов. — Меҳнатдан бир кун ҳам қочмадим, ер чопиб, пахта экдим... Уй-жойим йўқлиги, ёлғизлигим инобатга олиниб, менга ҳам давлатимиз томонидан замонавий хонадонлардан бири берилди. Бугун ўз уйимга кўчиб кирдим, бундан жуда мамнунман.

Шу куни Гагарин шаҳрида барпо этилган "Садаф" мажмуасида кам таъминланган оила фарзандларидан 9 нафарининг суннат тўйлари ҳам бўлиб ўтди.

Байрам тадбирлари доирасида миллий ва байналмилал маданият кўргазмаси ташкил этилди. Санъаткорларнинг концерт дастури эса йиғилганларга қувонч бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. Худойберганов иштирок этди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Давра суҳбати**

# ГЎШТ НАРХИ кўтариляпти

## Мутахассислар бу ҳақда нима дейди?



*Чорвани оила баракаси, дейишади. Чиндан ҳам, ҳовлисида битта соғин сигири бор рўзғорнинг дастурхони файзли, қўшимча даромадли бўлади. Шу боис юртимизда чорвачиликни ривожлантириш, бу борада тадбиркорликни йўлга қўйишга устувор аҳамият қаратиляпти. Мақсад аҳолининг арзон, сифатли гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашдир.*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, "Насл-хизмат" уюшмаси ҳамда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан "Ўзбекистонда чорвачилик ва сутни қайта ишлаш: муаммо ва ривожланиш истиқболлари" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди.

— Банкимиз мазкур соҳани қўллаб-қувватловчи асосий молия муассасаси ҳисобланади, — дейди акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси Абдурасул Абдуллаев. — Шу боис жорий йилнинг ўтган даврида чорва молларини сотиб олишга мўлжалланган 282 та лойиҳа учун 316,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, банкнинг Урганч филиали томонидан "Тўмарис нур чорва" фермер хўжалигига 7 миллиард 400 миллион сўм кредит берилиши ҳисобига мулкдор Германиядан 319 бош "Симментал" ва "Голштин" зотли наслли қорамол олиб келди. Ҳозирги кунда хўжаликда 300 бош соғин сигирдан кунига ўртача 6 минг литр сут соғиб олиниб, қайта ишлаш корхонасига етказиб берилмоқда.

Статистика маълумотларига қараганда, бугунги кунда республикамизда 12,4 миллион бош қорамол, 21 миллион бош қўй-эчки мавжуд. Шунингдек, жорий йилда 2,2 миллион тонна гўшт ва 10,1 миллион тонна сут маҳсулотлари етиштирилган.

Булар яхши, албатта. Чорвачилик соҳасида шунча ишлар амалга ошириляпти. Лекин шу ўринда табиий савол туғилади: нега гўшт ва сут маҳсулотлари нархи тобора юқорилаб бормоқда? Мисол учун, гўштни ҳозир бозор ёки савдо мажмуаларидан ўртача 38 — 50 минг сўмдан харид қиляпмиз. Хўш, бунга сабаб нима?

Қайд этилишича, бунинг бир нечта омиллари мавжуд. Чорва молларини озиқлантириш учун ажратилган ер майдонларининг қорамол бош сонига мутаносиб эмаслиги. Яъни фермер чорвачилик ёки бўрдоқичиликни қанчалик кенгайтиришни хоҳламасин, унга етарлича экин майдони ажратиб берилмас экан, ишини ривожлантира олмайди. Демак, у етиштираётган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳажми ҳам кўпаймайди.

Бундан ташқари, биржа савдоларидан омихта ем харид қилишда ҳам муаммолар бор. Хориждан келтирилган молларни рацион асосида, тўғри озиқлантиришга эътибор қаратилмайди, касалликларни даволаш бўйича малакали мутахассислар етарли эмас. Аксарият хўжаликларда маҳсулдорлиги паст чорва моллари парваришланмоқда. Гўшт маҳсулотлари етиштирувчи йирик бўрдоқичилик хўжаликлари деярли йўқ. Хўжаликларнинг маҳсулотларни сотишдан тушган тушумлари банкдаги ҳисоб рақамлар орқали айланмаслиги, қайта ишловчи корхоналар билан ишлаш тизими яратилмагани каби ҳолатлар чорвачилик ривожига тўсқинлик қилмоқда.

Давра суҳбатида фермер хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари мутасаддилар билан шу хусусда фикр юритиб, мавжуд муаммолар ечимини топиш юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

MIKROKREDITBANK

## «Микрокредитбанк»:
# Ҳунармандчилик истиқболи учун ишончли ҳамкор

*Ўзбек халқи азалдан бой ҳунармандчилиги билан ном қозонган, десак, хато қилмаймиз. Чунки бадиий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари айнан мамлакатимиз ҳудудида вужудга келиб, ривожланган ва кейинчалик бошқа жойларга тарқалган. Бундай дейишимизга асослар етарли, албатта. Хоразмдаги археологик қазишмалар пайтида милоддан аввалги биринчи минг йилликка мансуб гилам намунаси топилгани бунинг ёрқин далилидир.*

**Молия муассасаларида**

Бугунги кунда мазкур соҳага қаратилаётган эътибор туфайли ҳунармандчиликнинг унутилиб кетаётган турлари ҳам қайта тикланиб, аҳолининг муҳим даромад манбаларидан бирига айланмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ҳунармандларга қўшимча имтиёз ва молиявий мадад беriляптики, бу, ўз навбатида, соҳани сифат жиҳатидан равнақ топтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат асосида "Микрокредитбанк" АТБ сармояларининг салмоқли қисми ҳунармандчилик истиқболига йўналтириляпти. Банкнинг биргина Хоразм вилояти филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида соҳага 8,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани бунинг яққол тасдиғидир.

### Эзгу ташаббуслар кўмакчиси

— Чўгирма хоразмликларнинг миллий бош кийимигина эмас, балки аллақачон вилоятнинг "ташрифнома"сига ҳам айланиб улгурган, — дейди Хива шаҳрилик ёш ҳунарманд Аминбой Абдуллаев. — Чунки юртимизга келаётган сайёҳларнинг аксарияти, албатта, чўгирма сотиб олишади. Ушбу бош кийимига бўлган талаб ота-боболаримиздан қолган ҳунарни давом эттиришимга сабаб бўлди. Айни пайтда Хоразм чўгирмаси билан бирга, турфа хилдаги телпаклар тикишни йўлга қўйганмиз.

Фаолиятимни кенгайтириш, аниқроғи, тикиш ускуналари сотиб олиш учун молиявий кўмакка эҳтиёж сезилди. Шунда "Микрокредитбанк"нинг Хива филиали ёрдам қўлини чўзиб, 2 йил муддатга йиллик 7 фоиз устама билан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратишди.

Бундай ишонч нафақат бизнес лойиҳам рўёбга чиқишида қўл келди, балки янги ғоялар туғилишига туртки бўлди. Яъни унутилган миллий бош кийимларини тарихий манбалар асосида тиклаш, уларни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш ниятидаман.



Ҳозирги кунда ёш ҳунарманд билан бирга, яна уч нафар моҳир уста фаолият юритмоқда. Улар ёнига беш нафар шогирд олиб, касб сир-асрорларини ўргатишаётгани ҳунарнинг бардавомлигидан далолат беради.

### Аёл тадбиркор бўлса...

Хотин-қизларни оилавий бизнес ва ҳунармандчиликка кенгроқ жалб қилиш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган амалий чора-тадбирлар туфайли тадбиркор аёллар сафи ой сайин кенгаймоқда. Меҳрибон Матяқубова бизнес фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйган ана шундай ишбилармон аёллардан биридир.

— Дунёнинг турли нуқталаридан келаётган сайёҳлар Хиванинг қадимий меъморий обидалари билан бирга, миллий анъаналаримиз, ҳунармандчилигимиз, маданиятимиз билан яқиндан танишишни исташади, — дейди у. — Сафари давомида эсдалик учун, албатта, миллийлигимиз уфуриб турган бирор буюмни сотиб олишади. Кейинги пайтда ипак гиламларимизга, айниқса, талаб ортмоқда. Шу боис биз гиламчиликни йўлга қўйдик. Бунда "Микрокредитбанк" Хоразм вилояти филиалининг 36 млн. сўмлик молиявий кўмаги қўл келди. Ушбу маблағга гиламга ишлов бериш ва тозалаш ускуналарини сотиб олдик. Натижада қўл меҳнати билан яратилаётган нафис маҳсулотларимиз янада сайқалланиб, жозибадорлиги ортди.

Ҳунарманднинг ёнига кирган 6 нафар моҳир тўқувчи анъанавий усулларни давом эттирибгина қолмай, янги топилма ва безаклар билан бойитилган турли гиламлар тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда. Улар нақшининг аниқлиги, гўзаллиги ва рангларнинг уйғунлиги билан алоҳида ажралиб туради. Буюртмаларнинг ўз вақтида бажарилишида эса "Устоз — шогирд" анъаналари асосида ҳунар сирларини пухта ўрганаётган 10 нафар ёш тўқувчининг хизмати катта бўлмоқда.



Улар ҳам, ҳадемай, мустақил равишда фаолият юритиб, оиласи фаровонлигига, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшади. Зеро, аёл тадбиркор бўлса, рўзғорда қут-барака, файз бўлади.

### Бадиий тафаккур ва юксак маҳорат маҳсули

Кўҳна Хиванинг "Ичан-Қалъа" давлат музей-қўриқхонасига йўлингиз тушса, қулоғингизга чалинаётган "дўқ-дўқ"дан сира ажабланманг. Бу — "Карвон сарой" мажмуасида саҳардан то шомгача тиним билмайдиган кандакор уста Аркабой Ибодуллаев болғачасининг товуши.

Ҳунарманднинг хаёлот олами, бадиий тафаккури, билим доираси шу қадар кенг, маҳорати эса юксакки, унинг қўлида оддий мис буюмлари санъат асарига айланади. Бу санъатга ошуфта қалблар устанинг хатти-ҳаракатини соатлаб кузатишдан асло чарчашмайди, аксинча ўзгача завқ-шавқ оладилар. Қуёшдек чарақлаган лаган, қумғон, коса каби буюмлар эса юртимиз тароватининг бир бўлаги сифатида уммонлар оша санъат ихлосмандларининг шахсий коллекцияларини безамоқда.

— Маҳсулотларимизга ҳам хорижий сайёҳлар, ҳам юртдошларимиз орасида бирдек эҳтиёж катта, — дейди Аркабой. — Баъзида хом ашё етишмовчилиги сабаб ишимиз тўхтаб қолар, оқибатда мижозларимизнинг бир қисмини йўқотиб қўярдик. Буни инобатга олиб, молиявий ҳамкоримиз — "Микрокредитбанк"нинг Хоразм вилояти филиалидан 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит олдик. Ушбу маблағ эвазига мисга ишлов беришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё сотиб олиб, тайёрланаётган буюмлар салмоғини, янги иш ўринларини кўпайтирдик. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, бетакрор халқ амалий санъати намуналарини бутун дунёга тарғиб қилмоқчимиз.

Мижоз манфаатлари йўлида замонавийлик, тезкорлик каби устувор тамойиллар асосида фаолият юритаётган "Микрокредитбанк" АТБнинг сармоялари ҳудудларда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, ҳунармандчиликни равнақ топтиришга хизмат қилмоқда. Натижада янги-янги иш ўринлари яратилиб, моҳир усталар томонидан тайёрланаётган ҳунармандчилик буюмлари халқимиз бой маданияти, юксак салоҳиятини дунёга кўз-кўз этаверади.

**Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.**

Реклама ўрнида

# ОДАМЛАР ОНГУ ТАФАККУРИ ВА ҲАЁТ ТАРЗИ ЯНГИЛАНМОҚДА

*Пойтахтимизнинг Олмазор туманида 58 та маҳалла бор. Яқингача ҳудудда аҳолини узоқ йиллар қийнаб келган муаммолар, ечимини кутаётган масалалар оз эмасди. Президентимиз туманга ташрифи чоғида: “Бу ердаги одамларнинг ҳам бола-чақаси, эртанги кундан умидлари бор. Мамлакатимиздаги ўзгаришларни, қабул қилинаётган дастурлар натижасини одамлар ўз уйида сезиши керак”, дея таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берганидан кейин маҳаллаларда вазият ижобий томонга ўзгара бошлади.*

## Президент ташрифидан сўнг

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси раҳбарлигидаги Жамоатчилик комиссияси фаолиятининг асосини ҳам шу мезонлар ташкил этмоқда. Хусусан, мазкур тузилма томонидан тумандаги ҳар бир маҳалла аҳли билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилиб, оилалар ва маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳамда одамларни ўйлантираётган камчиликлар ўрганиляпти. Жойларда аниқланган муаммоларга аниқлик киритиш, уларни тезкор бартараф этиш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Муҳими, аҳолининг кўплаб ижтимоий-иқтисодий ва маиший соҳалардаги эҳтиёжлари жойида ҳал қилиняпти. Одамларда “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилидаги кайфият йўқолиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлаш, ўз маҳалласи ободлиги ҳамда Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи ошиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, уларнинг онгу тафаккури билан бирга, ҳаёт тарзи ҳам янгиланаётир.

— Ўғлим II гуруҳ ногирони, унга махсус протез воситаси олиб беришга қурбимиз етмай турувди, — дейди Чимбой маҳалласида истиқомат қилувчи Дилбар Тешабоева. — Шу боис ёрдам сўраб мурожаат қилдик. Ўғлим тез орада 21 миллион сўмлик протез воситаси билан таъминланди.

Шу маҳаллада яшовчи II гуруҳ ногирони Шоира Саидовани кўпдан бери уй-жой масаласи қийнаб келаётганди. Боз устига, яшаб турган уйида юз берган ёнғин натижасида аҳвол янаям оғирлашди. Ўрганишлардан сўнг бу оилага янги хонадонлардан бирининг калити топширилди.

Ўрганишлар давомида нафақат шу каби масалалар, айни чоғда коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий, йўл-транспорт соҳаларидаги муаммоларга ҳам ечим топилаётгани қувонарлидир.

— Китоб ўқиган боладан ёмонлик чиқмайди, — дейди Ғани Аъзамов номидаги маҳалла фаоли Аҳмаджон ота Тошпўлатов. — Жамоатчилик комиссияси ўз фаолияти давомида шу масалага ҳам катта эътибор қаратгани яхши иш бўлди. Яъни бизнинг маҳалла ҳамда Иброҳим ота маҳалласидаги кутубхоналарга 500 донадан турли китоблар келтирилди. Энди ёшларни бу масканларга кенг жалб этишимиз керак. Зеро, бугунгидек таҳликали замонда фарзандларимиз оқу қоранинг фарқига бориши ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва бунда мутолаанинг аҳамияти катта.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг мазкур туманга ташрифидан кейин бу ерда амалга оширилаётган кенг миқёсли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, бажарилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар боис шарт-шароитлар тубдан ўзгармоқда. Бу жараёнлар юртдошларимизни эзгу мақсадлар йўлида жипслаштираётгани янада муҳимдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Иброҳим ота маҳалласида:

- ✔ *Янги канализация тармоғи қурилиб, хонадонлар унга уланди.*
- ✔ *Эски локал қозонхона янгисига алмаштирилди ва 4 та кўп қаватли уй ҳамда мактабгача таълим муассасасининг иситиш тизими яхшиланди.*
- ✔ *Ички йўллар асфальтланди.*

### Пахта маҳалласида:

- ✔ *Замонавий трансформатор ўрнатилиб, 200 дан зиёд хонадонларга электр энергияси етказиб бериш яхшиланди.*

### Ғалаба маҳалласида:

- ✔ *4 та кўп қаватли уй оралиғидаги йўлларга бетон қоплама ётқизилди.*

### Юқори Себзор маҳалласида:

- ✔ *Кўп қаватли 1-«А» ҳамда 2-«А» уйлар ўртасида замонавий болалар ва спорт майдончалари, гўзал фаввора, ҳордиқ айвончалари барпо этилмоқда.*

### Туман бўйича:

- *13 та кўп қаватли уйнинг том қисми мукаммал, 11 тасиники жорий таъмирдан чиқарилди.*
- *42 та уйнинг кириш йўлаги, улардаги носоз лифтлар ва 46 та электр тақсимловчи шит тузатилди.*
- *975 та электр устунидаги ёритқичлар замонавийсига алмаштирилди.*
- *10 та маҳалладаги 40 минг квадрат метр кўчага асфальт ётқизилди.*
- *20 дан зиёд маҳаллалардаги ичимлик суви муаммоси бартараф этилди.*
- *Аҳоли томонидан электр энергияси соҳасида қилинган 100 дан ортиқ мурожаатлар ижобий ҳал этилди.*

## «Мақом» китоб-альбоми

### халқимизнинг маданий меросини янада бойитишга хизмат қилади

*Мақом дилларни дилларга боғловчи, инсон онги ҳамда тафаккурига маънавий озуқа берувчи санъатдир.*

*Юртимизда ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ижодкорларга кўтаринки руҳ ва илҳом бағишламоқда. Президентимиз ташаббуси билан яқинда “Мақом” китоб-альбомининг босмадан чиқарилиши нафақат санъаткорлар, балки бутун халқимизни хурсанд қилди. Улардан айримларининг фикр-мулоҳазаларини тақдим этамиз.*

### Санъат

**Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, режиссёр:**



— Мақом — илоҳий санъат. Уни идрок қилиш учун инсонда, аввало, қалб, илм, билим керак. Уни борлигича идрок этишни мақсад қилган инсон китобга, ўзбек адабиёти ва тарихига мурожаат этиши лозим.

Биз, санъат аҳли, халқимизнинг илғор зиёлилари ёшларда мақом санъатига тўғри муносабатни шакллантириш учун ушбу маданий меросимизнинг сеҳрли кучини, жозибасини, улуғворлигини уларнинг онгу қалбига етказиб бера олишимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг мақом санъатини ривожлантиришга қаратилган қарори қабул қилинишидан тортиб, шу йил 6 — 10 сентябрь кунлари Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжуманининг ўтказилиши аждодларимиздан бизгача етиб келган нодир мусиқий меросни тарғиб қилиш, уни жаҳон миқёсида тараннум этишга имконият яратди. Юртбошимиз ташаббуси билан “Мақом” китоб-альбомининг нашр қилиниши эса халқимизнинг нодир санъатини янада оммалаштиришга қаратилган муҳим бир қадамдир.

Ушбу китоб-альбомда ўзбек миллий мақом санъати йўллари, ривожланиш тарихи батафсил тасвирланган. Жумладан, Бухоро мақоми, Хоразм мақоми, Фарғона — Тошкент мақоми тарихи, миллий нота ёзувининг кашф этилиши, унинг воситасида яратилган Олти мақомнинг ноталаштирилиши, мақом ижрочилигида кенг қўлланиладиган созларни ясашнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига доир маълумотлар ўқувчида кенг тасаввур ҳосил қилади. Ушбу китоб-альбом халқимизга, айниқса, ёшларга ўзбек миллий мақом санъатини янада яқинлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Матлуба ДАДАБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти:**



— Ҳақиқатан ҳам, “Мақом” китоб-альбомининг нашр этилиши барчамизни ниҳоятда қувонтирди. Китобда халқимизнинг маданий тараққиётига, жумладан, мақом санъати ривожига катта ҳисса қўшган Абу Наср Форобий бобомиздан тортиб, Ибн Сино, Марoғий, Кавкабий каби алломаларимиз, атоқли инсонларнинг ҳаёт ва ижод йўлига доир маълумотлар келтирилган. Улар санъат ихлосмандларини, ёшларни ўзига бир зумда жалб қилиши табиий. Зеро, мақом куйларида илоҳийлик, унга пайванд бўлган ғазалларда ўзгача тароват бор.

Президентимиз томонидан халқимизнинг маънавий бойлигини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлардан илҳомланиб, “Устоз — шогирд” мактаби анъаналари асосида ушбу санъатни янада равнақ топтиришга, ёшлар онгига унинг умуминсоний мазмун-моҳиятини теран сингдиришга бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга интиламиз.

**Рашидахон ҲАСАНОВА ёзиб олди.**

### Мушоҳада



*Яхши қўшиқ инсоннинг кайфиятини, руҳиятини кўтаради, бадиий дидини, маънавий оламини бойитади. Шу боис бугун санъат ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг кўплаб ҳудудларида янги мусиқа мактаблари очилмоқда, санъат кошоналари қад кўтаряпти.*

*Бироқ мавжуд шароит ҳамда кўрсатилаётган эътиборга қарамасдан санъаткорларимиз томонидан яратилаётган асарларнинг барчасини ҳам халқимиз диди, менталитети, маънавий даражасига мос, деб бўлмайди. Енгил-елпи қўшиқлар ҳамон концертларда ижро этилмоқда, теле ва радиоканаллар орқали эфирга узатилаётир.*

Қофиясиз, туроқсиз, тўмтоқ, кўча тилига яқин бўлган сўзлардан иборат қўшиқлар ҳам куйланмоқда. Бир аёл хонанданинг “Олмали аймоқча” деб номланган қўшиқ матнида шундай сўзлар келтирилган: “Олмали аймоқча, лаблари қаймоқча, шу болани сўрасангиз, ҳаммасидан бўлакча”. Бошқа аёл хонанданинг бир қўшиғидаги мана бу сўзларга нима дейсиз: “Бунча ширин ўзга боғнинг олмаси...” Буни айтиш тўғрими?




2017 йил 3 август куни Президентимизнинг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувида айнан санъат аҳлига мурожаат қилинди ҳамда бу йўналишдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш йўллари аниқ-тиниқ белгилаб берилди.

Ушбу учрашувдан сўнг “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси қошида Қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бўйича Бадиий кенгаш ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Жорий йилнинг февраль ойидан Бадиий кенгаш ўз фаолиятини бошлади. Маънавият тарғиботчилари, шоирлар, клипмейкерлар, санъатшунослар, бастакорлар ва хонандалардан иборат кенгаш томонидан шу йилнинг ўтган тўққиз ойида хонандалар тақдим этган жами 165 та видеоклип кўриб чиқилди. Ижодий ишларнинг 32 таси бутунлай рад қилинди.

— Кейинги пайтларда айрим хонандалар томонидан ижро этилаётган маъносиз қўшиқлар ҳамда уларга ишланган клиплар хусусида турли эътирозлар билдирилмоқда, — дейди “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси масъул ходими, Бадиий кенгаш аъзоси Матлуба Темур қизи. — Танқидлар ўринсиз эмас. Бадиий кенгаш низомида қатор талаб ва шартлар белгиланган. Жумладан, видеоклипларда миллий менталитетимизга хос бўлмаган, ёшларнинг руҳий-маънавий оламига салбий таъсир кўрсатадиган, “оммавий маданият” унсурлари, яъни Ғарбга тақлид қилиш ҳоллари, уруш ҳамда гиёҳвандлик саҳна тасвирлари, очиқ-сочиқ кийимлар, беҳаё хатти-ҳаракатлар ўрин олмаслиги кераклиги қатъий белгилаб берилган. Энг асосийси, қўшиқ матни, яъни шеър мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳар бир ижрочига уқтириб келиняпти. Қолаверса, бизга тақдим этилаётган видеоклипларнинг айримларида қўшиқнинг мазмуни бошқаю ундаги тасвирларнинг маъноси умуман бошқа эканлигини кўрамиз. Бачкана хатти-ҳаракатлар, умуман, кераксиз гап-сўзлар... Кенгаш аъзолари мана шундай қусур ва камчиликларни бартараф қилиш йўлида жиддий иш олиб боряпти.

Таассуфки, шунча чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамай, эфир орқали баъзан маъно-мазмунсиз, бадиий жиҳатдан саёз қўшиқ ва клиплар намойиш этиляпти.

Яқинда эфир орқали бир хонанданинг янги қўшиғига олинган клипга кўзим тушиб қолди. Клип эпизодида хонанда тўйда келин образида бир даста гулни тескари турган ҳолда келин дугоналарига отиб юборади. Қизлар эса уни илиб олиш учун ташланади. Маълумки, Ғарбга хос бу анъана орқали қизлар биз ҳам тезроқ эрга тегайлик қабилида иш тутадилар. Ғарбнинг бу борадаги қарашларини тушунса бўлар. Чунки уларнинг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, ўзлари амал қиладиган расм-русумлари, одатлари бор. Биз эса шарқона менталитетга эга халқмиз. Клипдаги ҳолатларни кўриб, бизнинг қизларда ўзбекона ибо-ҳаё, иффат тушунчалари қаерда қолди, деган хаёлга борасиз.

Айрим клипларимизда қўшиқчиларнинг ташландиқ жойлардаги деворларда акс эттирилган, ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган расмлардан иборат стрит-арт ёзувлари ёнида ёки қурилиши чала иншоотлар ичида туриб қўшиқ куйлаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Мақсад — бундай ёзув ва расмларни тарғиб қилишми? Ёки бу орқали “оригинал” бўлиб кўринишми?! Бизнингча, бу савиясизлик, хориж фильмлари ҳамда клипларига кўр-кўрона тақлид қилиш, улардан андоза олишдан бошқа нарса эмас. Санъатнинг маънавиятимизни бойитадиган кучли восита эканини ҳисобга олсак, бу ҳолат ёшлар тарбияси ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Баъзан телеканаллар орқали “Ўзбекконцерт” бадиий кенгаши муҳокамасидан ўтмаган қўшиқ ҳамда клиплар ҳам эфирга узатилмоқда. Сабаби баъзи хусусий телеканаллар эфир орқали бунинг эвазига мўмай даромад топади. Хонанда эса фалон миллион сўмга тайёрланган “ижод маҳсули” бесамар кетмаганидан, уни реклама қилганидан хурсанд.

“Ўзбекконцерт” давлат муассасаси масъул ходимларининг бу масалага ойдинлик киритишича, айрим талабга жавоб бермайдиган қўшиқ ва клиплар телеканалларда “кўриниш” бераётганининг асосий сабаби улар Бадиий кенгаш тузилгунига қадар каналларга тақдим этилган. Шу боис улар ҳамон “истеъмолда”. Рад қилинган клипларнинг ойнаи жаҳонда эфирга узатилишининг олдини олиш учун ташкилот ҳар бир телеканал масъулларига кенгашдан ўтмаган “ижод маҳсуллари” рўйхатини берган. Бу эса айримлар учун “айни муддао” бўлмоқда.

— Таассуфки бугун айрим хонандалар томонидан куйланаётган қўшиқларга ўзбекона оҳанглар етишмаяпти, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси қошида Қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бўйича Бадиий кенгаш раиси Азим Муллахонов. — Агар бунинг олди олинмаса, эртага қўшиқларимизда ўзбекона оҳанг қолмайди, бошқа халқларнинг мусиқалари аралашиб, бизнинг миллий куй-мусиқамиз йўқолиб кетади. Шунинг учун Бадиий кенгаш йиғилишларида бастакорлар, мусиқий сайқал берувчиларга, қўшиқ ҳар қанча замонавий бўлмасин, керакли жойларига ўзбекона оҳангни ҳам қўшишни қаттиқ уқтирамиз. Янги бир кенгаш тузилса-да, ушбу кенгашда телевидение ва радио вакиллари ҳам бўлсин. Ушбу кенгаш вакиллари клипларни ҳам, қўшиқларни ҳам, шеърларни ҳам савия жиҳатидан муҳокама қилишсин, урф-одатларимизга, миллат табиатига тўғри келмайдиган қўшиқлар ҳамда клиплар санъат даражасидами ёки йўқми, шуни кўриб чиқишсин. Шундагина телевидение ва радио вакиллари ҳам бу масалада масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этган бўлар эди.

Бундай муаммоларнинг урчиб кетишида ўзимиз ҳам айбдормиз. Дейлик, тўй-ҳашамларда тўртта-бешта қўшиққа оғзини қимирлатиб, мўмай пул олиб кетадиган “бирровчи”лардан Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Таваккал Қодиров, Камолиддин Раҳимов сингари устоз санъаткорларнинг машҳур қўшиқларини айтиб беришларини талаб қилмаймиз! Тўғри, эстрада қўшиқчилари қандай қилиб бундай мумтоз ашулаларни айтади, уларнинг йўналиши бошқа-ку, дейишингиз мумкин. Халқимиз қалбининг тўридан жой олган, бундай дарғалар ижодидан мутлақо бехабарларни санъаткор, деб бўлмайди. Бир-икки маротаба ана шундай талабларни бажара олмай, халқ олдида изза бўлган одам кейинги сафар тўйга боришдан олдин яна бир бор хижолат тортмасликка ҳаракат қилади. Зеро, қўшиқ — маънавий мулк. Истеъмолчи сифатида унга нисбатан талабни кучайтирмас эканмиз, сифатсиз, маъно-мазмунсиз куй-қўшиқларнинг тингловчиси бўлиб қолаверамиз.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ.**

***Таҳририятдан:*** *муаллиф мақолада қўшиқчилик санъатида ижро маҳорати, мусиқий клиплар хусусида эътиборга молик фикрларини баён этган. Унга қўшилиш ёки қўшилмаслик ҳам мумкин. Таҳририят замонавий эстрадамизнинг бугунги кўринишига нисбатан таклиф-мулоҳазаларингизни кутиб қолади. Зеро, ҳақиқат кўпчиликнинг хулосалари орқали аниқланади.*

### Инновация

*Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан беғараз молиялаштирилган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” “Томчи” мобиль иловасини ишлаб чиқди.*




## «Томчи» — сув тежашда ёрдамчи

Мазкур илова қулайлиги билан ажралиб туради. Жумладан, у фермерлар, сув хўжалиги ташкилотлари ходимлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари, шунингдек, суғоришда сув тежамкорлиги технологияси ишлаб чиқарувчи ҳамда ўрнатувчи тадбиркорлар учун мўлжалланган. Иловадан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида ишлаётган мутахассислар, тармоқ олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари, сув ресурсларини бошқариш масалаларига бевосита алоқадор бўлган кенг жамоатчилик фойдаланиши мумкин.

Илова суғоришда тежамкорлик усуллари ҳақидаги ахборотларга тезкорлик билан эга бўлиш, уларнинг афзалликларини тушунтириш ҳамда сув тежамкорлиги технологиясини жорий этишнинг тахминий баҳосини ҳисоблаш имконини беради. Шу маънода, уни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги ягона ахборот майдони, десак бўлади.

Шу билан бирга, илова қулайлиги, таъсир доираси кенглиги билан ҳам диққатга сазовор. Масалан, у тежамкор технология баҳосини ҳисобловчи калькуляторга эга бўлиб, томчилатиб, ёмғирлатиб, кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш ва бошқа технологиялар самарадорлигини ҳисоблаб беради.

Бундан ташқари, унда видео ҳамда фотогалерея, мавзу бўйича китоб ва соҳага доир асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни фойдали электрон ресурслар мавжуд.

Мобиль илова Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази порталига уланади. Унда сувни тежаш технологияси ҳақидаги ахборотлар, шунингдек, сув ресурсларини бошқаришнинг барча йўналиши бўйича маълумотлар жойлаштирилади.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА







Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси Маънавият ва маърифат кафедраси бош методисти Насиба Файзуллаевна Маҳмудовага отаси

**Файзулла ҲАМДАМОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6